



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 12 апрель, № 73 (4483)

Шанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда) **58-моддаси:** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида:

а) ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;

б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қуйидагилар билан: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан;

ун тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабранувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиш, жинсий эҳтиёжни қайтариб олиш усулда қондириш билан;

ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қиргин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 11 апрель
№ ЎРҚ — 152

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар туфайли соҳа ривожига сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Тиббиёт муассасаларининг энг замонавий ускуналар билан жиҳозланганлиги ташхис қўйиш, даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиёти жараёнларида қўйилган самарани бераёпти.


Тиббиёт

бўлими, урология, операция ва реанимация бўлимлари мавжуд. Бу ерда беморларнинг урология хасталиқларидан фориғ бўлиши учун янги-на даво усуллари қўлланилади. — Утган йилнинг ўзига тўққиз минг нафар беморга тиббий хизмат кўрсатдик, — дейди марказ филиали директори ўринбосари, олий тоифали врач Худоев Буёзов. — Шифо масканимиз замонавий ва ноёб даволаш-ташхис жиҳозлари билан таъминланган. Жорий йил бошидан буён бу ерда турли хилдаги 140 та жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Марказ филиалининг малакали мутахассислари Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий вилоятлари, ҳатто қўшни Туркменистондан мурожаат қилган беморлар дардига малҳам бўлишмоқда.

СУРАТДА: Урология марказининг Урганч филиали директори ўринбосари Худоев Буёзов, ҳамшира Меҳрибан Юсупова, уролог Мақсуджон Раҳимов.

Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.



«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИ»

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида «Ўзбекистоннинг инвестиция салоҳияти» нашрининг тақдими бўлиб ўтди. Унда Президентимиз раҳнамолигида хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити, кенг ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар яратилганлиги, шунингдек, чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг яхлит тизими ишлаб чиқилиб, улар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

Хусусан, 2007 йил давомида иқтисодий тизимга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ортди ва 4,3 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдордаги маблағни ташкил этди. Улаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортди. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялардир. Инвестиция дастури доирасида эса

ўтган йили 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ижросига өтказилди. Мазкур нашр Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ конференцияси, Халқаро савдо палатаси, «Узинфонинвест» агентлиги, республика Савдо-санаят палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда БМТ «Тараққиёт дастури»нинг «Ўзбекистонда ташқи сав-

дога қўмаклашиш ва инвестицияларни жалб қилиш институтларини кучайтириш ва уларнинг салоҳиятини ошириш» лойиҳаси асосида chop этилди.

Инглиз ва рус тилларида тайёрланган ушбу нашрда Ўзбекистон ва унинг сўнгги йилларда эришган ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, иқтисодий ҳамда ресурс салоҳияти, тад-

Тақдимот

биркорлик, инвестиция муҳити, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий инвесторларнинг бизнесдаги муваффақиятлари ва бошқа зарур ахборотлар ўз аксини топган. Бундан ташқари, хорижий инвесторларга давлатимиз иқтисодиётига инвестиция қилишнинг турли шакллари, хусусан, қўшма корхоналар, 100 фоиз чет эл капитали ҳисобига корхона ташкил этиш, хусусийлаштирилган субъектлар акцияларининг тўлиқ ёки бир қисмини қай йўсида сотиб олиш каби маълумотлар ҳам жой олган. Инвестор иқтисодиётнинг саноат комплекси, қишлоқ хўжалиги, транспорт сектори, телекоммуникация, қурилиш ҳамда соғлиқни сақлаш, туризм сингари тармоқларига оид устувор лойиҳаларда иштирок этиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Лондонда жойлашган машҳур «Виктория ва Альберт музейи»да «Рау коллекциясида» Марказий Осий «Иқтисод» номи қўрғамга бўлиб ўтди.

ЛОНДОНДА ЎЗБЕК ИПАГИНИНГ ЖИЛОСИ

Экспозицияда британиялик танкили коллекциячи Дорис Рау санъат тўпламидан ўрин олган кийим-кечак буюмлари ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари намойиш этилди. Ушбу коллекция дунёда ушбу турдаги энг йирик ва бой хусусий тўпламлардан бири ҳисобланади. Коллекция ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб унинг Марказий Осий маъмуриятлари ва Афғонистонда амалга оширган сафарлари чоғида тўплаган. Эътиборли томон шундаки, экспонатларнинг аксарияти XIX асрда Ўзбекистоннинг Бухоро, Хива ва Самарқанд каби тарихий шаҳарларида тайёрланган.

Қўрғамга ташкилотчиси, «Виктория ва Альберт музейи»нинг Осий бўлими раҳбари Руби Кларнинг сўзларига қўра, Лондонда сўнгги йилгирма йил давомида Марказий Осий иқтисодиётига ўтказилмаган эди. Унинг фикрича, «Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг ранг-баранг ипакари ҳақиқий санъат асари бўлиб, ўз чиройи ва нафислигини асрлар давомида сақлаб келмоқда. Шу боис 1 миллиондан ортиқ киши ташриф буюрган мазкур қўрғамга Буюк Британия аҳолиси ва меҳмонларига Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданияти билан ақидан танишишга имкон берди».

Шунингдек, Руби Кларк муаллифлигида қўрғамга атаб махсус нашр этилган каталог маҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Унда икатлар (ипак мато тури) ишлаб чиқариш тарихи ва уларнинг Марказий Осийдаги ўрни атрафлича ёритилган. Қўрғамга доирасида икат ишлаб чиқариш жараёнлари билан таништириш кунлари ҳамда турли семинарлар ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Жаҳон матбуот эркинлиги кунига ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган «Ўзбекистонда матбуот эркинлиги ҳуқуқининг амалга оширилиши» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Матбуот эркинлиги ҳуқуқи — амалда

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов бошқарган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришнинг асосий йўналишлари мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни ривожлантириш истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисми бўлган оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда юртимизда самарали фаолият кўрсатётган оммавий ахборот воситалари учун мустақкам ҳуқуқий база яратилган. Янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳар бир шахс матбуотда қатнашиш, ўз фикрини баён этиш

(Давоми 2-бетда).

Марғилон шаҳар ҳўқимлигининг Бандликка қўмаклашувчи маркази томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида шаҳар ҳудудидаги 48 та корхона ва ташкилот бўш иш ўринларини тақриф этди.

Меҳнат ярмаркаси

Тадбир жараёнида «Ёдгорлик», «Осийтекс» оқик ҳиссасдорлик жамиятлари, «Лаззат имкон сервис» кичик корхонаси ва бошқа муассасаларга 106 нафар фуқаро тикувчи, пиллакаш, новвой ҳамда касаначи сифатида ишга жойлашди. 53 кишига меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Касб

Мухаммаджон МАҲМУДОВ.

Кредитлар — реал секторга

Ромитан туманидаги паррандачиликка иқтисодлашган «Анвар Нур сўйлақ» ва «Қонил Ханрӯза» фермер хўжалиқлари билан 9,6 миллион сўмдан кредит олиб, паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг янада ошириди.

Жорий йилда эса ҳар бир туманда паррандачиликка иқтисодлашган иккитадан фермер хўжалиги тузиш режалаштирилган. Кредит маблағлари эвазига ташкил этиладиган бў хўжалиқларнинг ҳар бирида камида уч мингтадан ўн мингтагача парранда парвариши қилинади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорлар тухфаси

Тумандаги фермер хўжалиқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қишлоқ кутубхоналарини лотин ёзувида chop этилган адабиётлар билан тўлдирish мақсадида 11 миллион сўмлик бағдий китоблар ҳадя қилинди. Улар орасида мактаб ўқувчиларига мўлжалланган эртақ ва ҳикоялар тўпламларидан тортиб, сарғуашт асарларгача бор.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ЖАҲОНГА ЧИҚМОҚДА

Бир рақам шарҳи



2008 йилда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт ҳажмининг 131,8 миллион долларга өтказилиши кутилмоқда.

Республикаимизда цемент, темир-бетон буюмлари, том ёпқич ва бошқа қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг қувватларини ошириш, 20 та янги гишт заводини ишга тушириш ҳисобига соҳада шундай ижобий ютуққа эришиш таъминланади.

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида азалий қадриятларимизни тиклаш ва кенг тарғиб қаратилган алоҳида эътибор туғайли миллий ҳунармандчиликнинг тобора ривожланиб бормоқда.

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ ТОПШИРИЛДИ

Ўртимизнинг турли ҳудудларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Бурхонуддин Марғиёний сингари улғу аждодларимизнинг ёдгорлик мажмуалари, пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом масжиди сингари бетакрор обидаларни барпо этишда қўли гул уста ва ҳунармандларнинг ҳиссаси катта бўлди. Андижон вилоятининг Избоскан тумани Қўғай қишлоғида яшовчи ёғоч ўймаkori Йўлбарс Утаганов ота-боболар касбини ардоқлаб, юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келатган ана шундай моҳир усталардан. У ўзининг халол меҳнати, шарафли касби туғайли эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонди. Й. Утагановнинг меҳнатлари ҳуқуқимизда томонидан миллий тақдирланди. У 1999 йили Президентимиз Фармонига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" унвонига сазовор бўлди. Бу юксак эътироф устанинг қўлига қўйиб, қайтариғи бўлди. Айни пайтда у ёғоч ўймакорлиги касбини фарзандлари ва шогирдлари ўргатмоқда. Устанинг ўғли Умидилло Утаганов ҳам ота изидан бориб, ёғоч ўймакорлиги сирларини пухта эгаллади. Унинг қўлида сайқал топган нақшкор эшик ва деразалар, ёғоч устунлар бугун юртимиздаги қўл-бунёдкорликнинг беизоб тўрғунлиги бўлиб келди. Умидилло бугун маҳорати ва меҳрини, ихтидорини илға солиб, Президентимизга атаб миллий

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мувофиқ Қашқадарё вилоятида аёлларнинг оила ва жамиятдаги ролини кучайтириш, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этиши учун етарли шароит яратиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, шунингдек, жамиятимиз ҳаётида юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЖАМИЯТ ВА ОИЛА ТАЯНЧИ

Қарши туманида Бандлик-қўмақлаш маркази томонидан ўтган йили бир ярим мингдан зиёд хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Махалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари зарур адиблар ва маҳалла-қўлланма-лар билан таъминланди. Жамиятни янгилаш, аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб боришда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича махалла маслаҳатчиларининг алоҳида ўрни бор. Шу боис маслаҳатчиларнинг доимий ўқувлари ташкил этилиб, улар вояга етмаганлар билан ишлаш, нотинч оилалар сонини камайтиришда жиддий аҳамият бериш зарур бўлган масалалар тушунтирилмоқда. Қарши туманида хотин-қизлар ўртасида жинсий-ахлоқий босқичларнинг олдини олиш бўйича муайян иш қилинмоқда. Бироқ, бу борада махалла посбонларининг фаолияти талаб даражасида эмас. Ҳар бир оиллага кириб бориш, хонадон эгалари билан ўзаро ишончли му-

Фармон ва ихро

лоқот ўрнатилиш, махалла фаоллари ҳамкорлигида тарғиб ишларини ташкил этиш даркор. Шунингдек, оилалар ўртасида никоҳни бекор қилиш нисбатан кўпайгани ташвишланарли. Бу ҳолатларни таҳлил этиш, сабабларини ўрганиш, мутасадди ташкилотлар, маҳалла-қўлланма-лар, маҳалла-қўлланма-лар билан таъминланди. Диний идораларнинг вакиллари билан ҳамкорликда кераклик чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Қарши тумани ҳокимлигида хотин-қизлар қўмиталари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган йилги ишга жойлаштиришда шунлар хусусида сўз борди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, улар ўртасида тадбиркорликнинг ривожланиши билан боғлиқ вазифалар белгилади. Ҳудди шундай тадбир Қосон туманида ҳам бўлиб ўтди. Ингилишларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди.

А. МУХАММАДИЕВ, ЎЗА мухбири.

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, мазкур академия тинловчилари иштирок этди. Академия ректори Қ. Назаров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А. Мўминов, Қонунчилик палатаси депутати О. Усаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ахборот-коммуникация технологияларида ахборот-коммуникация технологиялари янада ривожлантиришга, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жаддалик билан жорий этишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидладилар. Юртимизда фуқаролар, айниқса, ёшларнинг тезкор ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжини тобора тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун барча шароит ва имкониятларни яратиш изчиллик билан давом этмоқда. Шу билан бирга, замонавий иш юритиш ва бошқарув тизимларига ўтиш, компьютер техникаси ва технологияларидан янада самарали фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Бугунги тезкор ва шиддатли даврда, ахборотлар оқими борган сайин ортб бораётган жараёнда халқимиз, айниқса, ёшларни миллий табиатимизга, менталитетимизга,

Нозоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Маълумингизки, 2008 йил мамлакатимиз раҳбари томонидан "Ешлар йили" деб эълон қилинди. Демак, давлатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатида ёшлар, жумладан, болалар ҳақ-ҳуқуқини янада мустаҳкамлаш, уларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишиши учун барча шарт-шароитлар яратиш масаласига катта эътибор берилди. Яқинда "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кирганида ҳам ушбу амалларнинг тасдиғини кўриш мумкин. Мухбиримиз матбуотда эълон қилинган мазкур ҳужжат ҳақида, унинг мазмун-моҳияти хусусида гапириб беришни сўраб Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси Мамазоир ХўЖАМБЕРДИЕВга мурожаат этди.

Болага ғамхўрлик: миллий ёндашув ва халқаро тажриба уйғунлиги

Ўзбекистон бошқа мамлакатларга қиёсан ўзига хос ижтимоий-демографик хусусиятлари билан ажралиб туради, — дейди сенатор. — Тугилиш, табиий ўсиш даражасининг юқорилиги, аҳолининг ёш таркиби ривожланиши-мизнинг ўзига хос аломатларидир. Аҳолимиз тарихида 17 ёшгача бўлган болалар 44 фоизни ташкил қилади. Халқаро нормаларга мувофиқ, 18 ёшдан кичик бўлганлар шахс "болалар" категориясига кириши эътиборга олинса, ному юқорида келтирилган конвенция мамлакатимиз учун нечоғли долзарб эканини фахрлаш қийин эмас. Аввалбор, бу ҳужжатни ўн учинчи ялли мажлисда қонун билан ратификацияланган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция (Женева, 1973 йил 26 июнь)нинг ўзвий давоми, деб айтсак ҳам бўлади. Ушбу конвенция болалар меҳнатининг оғир шакллари билан қилиш ва йўқолиши таъминлашга қаратилган миллий ва халқаро ҳаракатлар учун бош ҳуқуқий асос вазифасини бажарди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон аъзо бўлган Халқаро меҳнат ташкилотининг сак-

кизта асосий конвенцияларидан биридир. Бугунга қадар мамлакатимиз бундай конвенциялардан бештасини ратификация қилган. — Конвенцияда қандай талаблар илгари сурилади? — Ушбу халқаро ҳужжат болалар оғир меҳнатининг тўрт шаклини белгилаб беради. Жумладан, улар қаторига куллининг барча шакллари ёки унга ўхшаш бўлган, масалан болаларни сотиш, қарз асосида асирлик ва мутеликада сақлаш, қуроли тўқнашуларда улардан фойдаланиш, мажбурий меҳнат қилдириш қабилар кирди. Шунингдек, бу рўйхатга беҳад кўрсатувлар тайёрлаш ёки беҳад ишларда, ҳуқуққа хилоф фаолият, жумладан, наркотик моддалар ишлаб чиқаришда, уларнинг савдосида болалардан фойдаланиш, шунингдек, ўз хусусияти ва шароитига қўра болалар соғлиғига, ҳаётининг ҳақ-ҳуқуқига зарар келтириши мумкин бўлган оғир ишлар ҳам қўшилди. — Шу ўринда халқаро ҳамжамият бундай Конвенцияни қабул қилишга нега мажбур бўлди, деган савол туғилди... — Ҳа, бу савол ўринли. Негаки, бугунги кунда жаҳонда 250 миллион бола оғир меҳнатга жалб қилинган. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан чоп этиладиган халқаро ҳужжатлар ва адибётларда "болалар меҳнати" ибораси "психологик, жисмоний, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан болаларга ҳавф туғдирадиган ёки зарар берадиган, маош тўланмайдиган ёки тўланмайдиган фаолият" деб таърифланди. ХХ асрда ҳам дунёнинг турли буржуазларида болаларни юқорида санаб ўтилган оғир юмўшларда, жумладан, шахталарда, кимёвий саноат корхоналарида ишлатиш, қунада тиланчилик қилдириш, яъни "кўча меҳнати"га жалб этиш ҳолатлари учрамоқда. Конвенция болаларни ноқонуний ва улар учун салбий таъсир кўрсатадиган меҳнат фаолиятига жалб этишни тўхта-тиш ва йўқ қилиш учун тезкор чоралар кўришни тақозо этади. Халқаро меҳнат ташкилоти мутахассислари конвенциянинг турмушга самарали татбиқ этилиши учун бешта йўналиш бўйича иш


шув давргача ушбу нормалар миллий қонунчиликда акс этмаганидир? — Албатта, ўз аксини топганиди. Республикаимизда бу Конвенцияни ратификация қилмай туриб ҳам болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий-меъририй, ҳам ташкилий-иқтисодий, муассасавий механизмлар яратилган, қолаверса, юқорида санаб ўтилган тўғдирадиган ёки зарар берадиган, маош тўланмайдиган ёки тўланмайдиган фаолият" деб таърифланди. ХХ асрда ҳам дунёнинг турли буржуазларида болаларни юқорида санаб ўтилган оғир юмўшларда, жумладан, шахталарда, кимёвий саноат корхоналарида ишлатиш, қунада тиланчилик қилдириш, яъни "кўча меҳнати"га жалб этиш ҳолатлари учрамоқда. Конвенция болаларни ноқонуний ва улар учун салбий таъсир кўрсатадиган меҳнат фаолиятига жалб этишни тўхта-тиш ва йўқ қилиш учун тезкор чоралар кўришни тақозо этади. Халқаро меҳнат ташкилоти мутахассислари конвенциянинг турмушга самарали татбиқ этилиши учун бешта йўналиш бўйича иш

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз томонидан Олий Мажлисга киритилган "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун мамлакатимизда болалар ҳуқуқини таъминлашга, Ўртимизда болаларга ахборот-коммуникация технологиялари янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Қ. ХИДИРОВ сўзлашди.

Самарқанд автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежида ёшларга қатор замонавий мутахассислар бўйича таълим берилади. Ҳукуматнинг транспортни ишлаши ва таъмирлаш, автомобиль транспортида ташини ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш, менежмент, бухгалтерия ҳисоби, автомобиль йўллар машиналаридан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш йўналишлари бўйича 1300 нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олмақда.

КАСБ СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШМОҚДА



Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Турмуш тасодиқларга тўла. Шу боис ҳаётда бахтсиз ҳодисалар бўлмаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайдۇ. Уни олдиндан илғаш ҳам мушкул. Аммо эҳтиёт чорасини кўриб қўйиш ҳар кимнинг ўз қўлида.

СУГУРТА — КАФОЛАТГА ИМКОН

Нусулж Нурабулло Мамбатовнинг ўйи электр қуввати қисқа туғашуви оқибатида бир зумда олов ичиде қолди. Қўни-қўшинлар кўмағида ёнган бартараф этилди, бироқ хонадон эгалари анча-мунча моддий зарар кўрди. Ана шунда оила соҳибини «Узагроосуурта» компанияси билан ҳамкорлик қилаётганини эслаб, дарҳол ўша ташкилотга мурожаат этди. Компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси дирекцияси томонидан «тилсиз ёвдан зарар кўрган Н. Мамбатовга дарҳол 1606,1 миң сўм маблағ тўлаб берилгани оила аъзоларига анча-мунча мадад бўлди. Беришнинг Шерали Ражабов ҳам шунга ўхшаш ачинарли воқеага дуч келди. Унинг банкдан берилган кредит вазизига олган ял-яғни автомашинаси йўл-транспорт ҳодисасига учраб, жиддий зарар кўрди. Суғурта идораси эса унга 3253,8 миң сўмлик суғурта қопламаси берди.

Таълим

— Коллежизмининг фан ва лаборатория хоналари энг сўнгги русумдаги компьютер ва ўқув жиҳазлари билан таъминланган, — дейди коллеж директори Қўзибой Мамаримов. — Мамлакатимизда автомобиль саноати соҳаси ривожланиш бораётганлиги боис, бўлажак мутахассислар янги автомашиналарнинг тузилиши бўйича пухта билимга эга бўлиши лозим. Шу боис, ўқув амалиёти коллеж қрошида ташкил этилган автомобильларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаларида олиб борилади. Қолаверса, ўқувчиларимиз Самарқанд автотойил бошқармаси ҳамда автотойил заводи сингари йирик ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташмоқда. Келгусида коллеж битирувчиларининг аксарияти мазкур ташкилотларда меҳнат фаолиятини бошлайди. Сиз суратда кўриб турган бу ёшлар ҳар қандай замонавий техника воситалари билан бе-малол тиллаша олишга интилишади. Улар коллеждаги 17 мингдан зиёд китоб захирасига эга ахборот-ресурс марказида электрон дарслик ва интернет тизимидан умумли фойдаланишапти. Бу эса бўлажак мутахассисларнинг ўз соҳаси бўйича етук малакага эга бўлиши билан бирга маънавий баркамол инсон сифатида қармоқ топилшини таъминлайди.

Дирекция томонидан йил давомида фермер ҳўжаликлари билан 3837 та шартнома тузилиб, 186103,3 миң сўм ундирилди. Ҳозирда, пахта бўйича 2298 та шартнома тузилиб, 2965291,7 миң сўмлик, ғалла бўйича эса 548 та шарт-

Хизмат

рот-тахлил бўлими менежери Анвар Собуровнинг таъкидлашича, ўтган йили экинларни қайта экиш бўйича 985 шартнома тузилиб, 66027,4 миң сўм суғурта тушуми ундирилган ва 437028,5 миң сўм суғурта жавобгарлиги олинган. Табиий қийинчиликлар туғайли уруғни қайта қаддашга мажбур бўлган фермер ҳўжаликларига 48725,8 миң сўмлик қопламали суғурта тўланди. Жумладан, Ҳўжайли туманидаги «Абадан» фермер ҳўжали-

гига 1313,7 миң сўм, Чимбой туманидаги «Бозорбой агроном» фермер ҳўжалигига эса 1337,0 миң сўм суғурта қопламаси берилди. Айтиш жоизки, дирекция тадбиркорлик субъектларини суғурталаш бўйича ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 3250 шартнома суғурталаниб, 77386,6 миң сўм суғурта тушуми ундирилди ва 10323301,7 миң сўм суғурта жавобгарлиги олинди. Банкларга 120764,3 миң сўм, жумладан, акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»ига 41252,4 миң сўм суғурта қопламаси тўланди. Дирекция жамоаси шу кунларда фермер ҳўжаликлари экинларини ва мол-мулкларини, аҳолининг чорва моллари, уй-анжомлари ва саломатлигини суғурталаш юзасидан бир қатор ишларни рўйбега чиқармоқда. Бу сай-ҳаракатлар негизда эса юрт тинчлиги, турмуш фаровонлиги каби эзгу мақсадлар мўжассамдир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Лондонда Ўзбек ипагининг жилоси

Руби Кларк кўрғазма иш на-тижаларига тўхталиб, жумладан кўйдагиларни қайд этди: "Бизнинг максимизмиз бу қабил ўзига хос махсулотларни қабил билан илгари таниш бўлмаган юрти-дан вакилларига намойиш этиш-дан иборат эди. Ўзбекистоннинг Буок Ипак йўлида жойлашгани бу ерда тўқимачиликни ривож топшишга имкон бериб. Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарлар аҳолиси Буок Ипак йўлининг йўналишлари бўйича сўйилган махсулотларни, жумладан, иқат-ни ишлаб чиқариш бўйича мо-ҳир бўлганлар. Мазкур кўрғаз-ма бу аҳолий тўқимачилик махсулотларининг айрим наму-наларини ҳам намойиш этилди". Кўрғазмага таширф буюрган кўйлаб меҳмонларнинг фикрига кўра, унда тақдим этилган иқат-ни хўшалари кўйча ва хамиша жо-зибали Ўзбекистон дўнёрининг ўзига хос ёрқин ранглар жило-сини акс эттирди.

«Жаҳон» АА.

ЖАҲОН 24 соат ичида Тезуچار вертолёт

Яқин келажақда АҚШда дунёдаги энг тез учадиган ҳарбий вертолёт ишлаб чиқарила бошлайди. Мамлакатдаги "Sikorsky" компанияси муҳандислари томонидан яратилган вертолёт соатига 470 километр масофага парвоз қилиш имкониятига эга. Учар жисмининг диаметри 1400 метр, оғирлиги эса 2400 килограммга тенг. Ҳозирда намуна сифатида ясалган тезуچار вертолёт Пен-тагон мутахассислари томонидан чуқур ўрганиб чиқилмоқда.

Масала саммитда кўрилади

Эртага Замбияда Жанубий Африка давлатлари Кенгашининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади. Унда Замбиядаги сиёсий вазият таҳлил қилиниши кутилляпти. "Рейтер" ахборот агентлиги хабарига келтирилишича, Замбияда муҳолиф куч мамлакат президенти Роберт Мугабега муқовимлик кўрсатишга ҳаракат қилишга қўл остига олганлиқда айбланмоқда. Муҳолиф партия етакчиси Тсвангираи мамлакатда бўлиб ўтган президентлик сўловлари натижалари эълон қилинмаётганлигидан ҳамон таъжубда эканлигини билдирган.

Чеклов бекор қилинди

Кубада иш ҳақи миқдорини расмий чеклов бекор қилинди. Ушбу ҳужжат мамлакат президенти Раул Кастро томонидан имзоланган. Мутахассисларнинг билдиришича, эндиликда Куба аҳолисининг ишга бўлган муносабати яхшиланади. Яъни, ойлик маош ходимларнинг қандай иш бажаришига қараб тақсимланади. Ҳозирда Кубада ўртача иш ҳақи ойига 350 песо (15 АҚШ долларига яқин)ни ташкил этади.

Қатновлар қолдирилди

American Airlines ARRIVALS table with columns for Arriving From, Time, Remarks, and Class. Includes flights from Rochester, NY, Salt Lake City, San Diego, San Francisco, San Jose, CA, San Juan, and Seattle-Tacoma.

Сўровнома натижаси

Марсда ҳаёт борми ёки йўқ? Шундай савол билан россиялик социологлар мамлакат фуқаролари ўртасида сўровнома ўтказди. Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, 59 фоиз россиялик Марсда ҳаёт йўқлигини таъкидлаган. Аҳолининг 26 фоизи эса бундай фикрга қўшилмаслигини билдирди.

Пиёлами, ё...

Вьетнамда энг катта қахва ичиладиган пиёла ишлаб чиқилиб, янги жаҳон рекорди ўрнатилди. РИА «Новости» маълумотига кўра, идишга 3,5 миң литр қахва сизгар экан. Бу ўртача 30 миң кишини меҳмон қилишга бемаъл олганлиқда. Пиёла мамлакатдаги "Vinasafe" қахва компанияси томонидан ишлаб чиқилди. Қуни кеча Гиннес рекордлари китоби ташкилоти раҳбарияти компанияга янги рекордни тасдиқловчи ёрлик топширди.



ҲАМКОРЛИККА ҲАМИША ТАЙЁР

Мамлакатимиз Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони банклар билан аҳоли ўртасида ишончли шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб этишда дастуриламал бўлмоқда.

Янги омонат турлари: МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ «ҚАЛДИРҒОЧ» ОМОНАТИ, «ФОРТУНА» ОМОНАТИ, «БАХТЛИ АЁЛ» ОМОНАТИ, «ОМАД» ОМОНАТИ, «ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА» ОМОНАТИ, «ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА» ОМОНАТИ, «ЛЮКС-2» ОМОНАТИ. Bankning «Ишонч телефонлари»: 233-2-12-53, 231-19-97.



Молия муассасаларида нинг Самарқанд вилояти филиалида ўсиш ва ўзгариш ҳар жаҳада кўзга ташланмоқда. Айниқса, миқозларга қизмат кўрсатиш даражасининг ҳар томонлама ошириб бораётгани кўзга ташланмоқда. Мамлакатимиз Президентининг шу йил 27 мартда қабул қилинган «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талаблари асосида эса, бу ерда депозит ҳисобварақларидан миқозларнинг биринчи талабидеёқ нақд пул маблағларининг ўз-ўзидан берилиши кафолатланмоқда.

Шу билан бирга, жамоада жойларда нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишни ривожлантириш, белгиланган савдо ва нақд пул тушумларини инкассация қилиш қоидаларига қатъий риоя қилинапти. Саёй-харакатлар банк миқозларининг кун сайин ошириб боришига йўл очаяпти.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Магистрал газ қувурларининг муҳофаза зонасида хавфсизлик чорапарии тўғрисида

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бўхоро ва Хоразм вилоятлари ҳудуди бўйлаб шахарлар, аҳоли пунктлари ва санатор корхоналарини табиий газ билан таъминловчи, юқори босимга эга магистрал газ қувурлари ётқизилганлигини эслатиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодексининг 69-моддаси ва «Магистрал қувурларни ҳимоя қилиш қоида»си асосан, магистрал газ қувурларининг нормал фаолиятини таъминлаш ва қувурларнинг бузилишига (ларнинг ҳар қандай ўтказилишидан қатъий назар) йўл қўймаслик учун қуйидаги муҳофаза зоналари белгиланган: — қувур йўналиши бўйлаб ер майдони кўринишида, қувур ўқининг ҳар томонидан 50 метрча масофада шартли чизиклар билан чегараланади; — қишлоқ ҳўжалиғига тааллуқли ерлардан ҳимоя майдони қувур ўқининг ҳар томонидан 25 метр масофада ўтқизилган шартли чизиклар билан чегараланади; — газдан конденсатни ажратуш ва саклаш учун сингилар атрофида, нефть, конденсат ва сингилар углеводородларини авария ҳолатида чиқариш учун ер омирида — кўрсатилган объектлар майдони чегарасида ҳар томонга 50 метрдан тўташ чизик билан чегараланган майдон кўринишида; — кўп тармоқли трасса бўйлаб, чекка қувур ўқининг ҳар томонидан 50 метр масофада ўтган, шартли чизиклар билан чегараланган ер майдони кўринишида; — бошланғич ва оралиқдаги ўтказиш ҳамда қўйиш насос станциялари атрофида, резервуар парklar, компрессор ва газ тарқатувчи станциялар, сарф қилинган газни ўлчаш мосламалари объектлари чегараларида ҳар томонга 100 метр масофада шартли чизиклар билан чегараланган ер майдони кўринишида.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида киривучи ер майдонлари ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди ва улардан «Магистрал газ қувурларини муҳофаза қилиш» қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, қишлоқ ҳўжалиғи ёки бошқа турдаги ишлар олиб боришда фойдаланилади.

- Қувурларнинг муҳофаза зонасида дала ишлари, экиш ва йиғиш кампанияси бошланиши олдида, ушбу қувурларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга (МКБ) олдиндан маълум қилган ҳолда олиб борилади. Қувурларнинг муҳофаза зонасида қувурлардан меъёрида фойдаланишга ҳалақит берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишлар ТАҚИҚЛАНАДИ, жумладан: — ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш ва иншоотларни тиклаш; — ҳар хил турдаги даракат ва бутталарни экиш, ем-хашак, озуқа, ўғит ва материалларни тўплаш, пичан гамлаш, от бўлайдиган қозиларнинг жойлаштириш, чорвани саклаш, балиқ етиштириш учун участкаларни ажратиш, балиқ ҳамда бошқа сувда яшовчи ва юрвчи ҳайвонларни етиштириш, жониворлар сув ичадиган сувлоқларни қуриш, музни ёриш ва тайёрлаш ишларини амалга ошириш; — қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш иншоотларини қуриш, трактор ва механизмлар учун жойларни қуриш, жамоа боғлари ва полизаларни жойлаштириш; — турли хил қурилиш-монтаж, портлатиш ва тоғ ишларини амалга ошириш, тупроқни (грунтни) режалаштириш; — ер мелiorация ишларини амалга ошириш, сугориш ва қуриш тармоқларини қуриш; — НУК ва назорат ўлчов пунктлари, сигнал берувчи ва огоҳлантирувчи белгиларни бузиш, жойларни ўзгартириш; — кабель алоқаси хизмат кўрсатмайдиган товуш қўчайтирувчи пунктлар қопқоқларини, локларни, катод химояси станцияси, тармоқ ва назорат қилувчи қудуқлар ва бошқа тармоқ қурилмаларини очиш, сузф ва жўмрақларни очиш, алоқа воситалари, қувур энергия таъминоти ва телемеханикасини ёқиш ва ўчириш; — турли хил чиқинди тўпламларини пайдо қилиш, ишқорлар, тузлар ва кислота эритмаларини тўкиш; — қувурларни бузилишлардан ҳамда ён-атрофни ва яқин жойлашган ҳудудни, транспортровка қилинадиган маҳсулотни авария натижасида тўкилишдан сакловчи, ер ости ва сув ўтказувчи иншоотларни, қирғоқларни мустаҳкам тутувчи қурилмаларни бузиш; — олов ёқиш ёки шунга ўхшаш очиқ ёқуд ёқиқ олов манбаларини уюштириш.

Қувурлар ётқизилган ҳудудда тураржой мавзелари, аҳоли пунктлари, санатор ва қишлоқ ҳўжалиқ корхоналари, иморатлар (тураржой ва нотураржой бинолар) қурилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тасдиқлаган «КМҚ» 2.05.06-97 Магистрал қувурлар» га кўра, магистрал қувурларни

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибидеа ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: I. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан, Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Қорабай» фермер ҳўжалиғига қарашли, Урганч тумани, Бекобод қишлоғида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 2394, 16 кв. метрни ташкил қилган чорва фермасининг бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 77 948 096 сўм. II. Хоразм вилояти ҳўжалиқ судининг 2007 йил 8 январдаги 5802-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «Хоразм автойўли» МЙФБга қарашли, Урганч шаҳри, Шовот канали бўйида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 570,92 кв. метр бўлган «Истиклол» кафетерийси. Бошланғич баҳоси — 91 827 236 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 29 апрель кўни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобоҳонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади. Юқоридеаги кўчмас мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20210000700571452056, ИНН 200933850, МФО 00580, АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали. Қўшимча маълумотлар учун телефон: 226-32-63. Факс: 226-43-64.


РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибидеа ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Фарғона вилояти ҳўжалиқ судининг 2007 йил 23 июлдаги 15-07-03/5302-сонли ижро ҳўжжати асосан, Фарғона тумани суд ижрочилари томонидан хатланган, Фарғона тумани, Миндинобод қишлоғида жойлашган 26-автокорхонага қарашли бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 153 800 828 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 29 апрель кўни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 35-уйда ўтказилади. Юқоридеаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар савдо ўтказилишидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Фарғона вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: «Халқ Банк» амалиёт бўлими, ҳ/р 20210000700571452023, МФО 00497, ИНН 200 933 850. Мурожаат учун телефон: 224-68-70. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz


«ЧИРЧИККИШМАШ — ФЕРУМ» УНИТАР КОРХОНАСИ ТУГАТИЛАЁТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

барча кредиторлар талаблари Чирчик шаҳри, А. Навоий шоҳқўчаси, 92-уй манзилида 2008 йил 23 апрелгача қабул қилинади. Тел.: 6-23-49, 6-21-58. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзурида «Давсуҳўжалиқназорат» Давлат инспекцияси жамоаси Қашқадарё вилояти бўйича инспектори Рўстам Азизович РЎЗИБОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзин билдиради. «Ўзэлектрқабелсавдо» ОАЖ жамоаси Ўзбекистон Республикаси моддий-техника таъминоти тизими фаҳрийси Абдужаббор РАҲИМОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миқдий сўгурта компанияси жамоаси компаниянинг Самарқанд вилояти филиали холими Алолат Ҳамроқуловага ўқаси Ҳайрулло ҲАМРОҚУЛОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзин изҳор этади. Тошкент шаҳар ўрта махсу, касб-кўнати ташлини бошқармаси ва бирлашган касеба уюшма Ҳўсанат Республика Расоомчилик коллежи директори Қўсанат Аминовага волидан мухтарамаси РАҲИМА аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзин изҳор этади. Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси жамоаси бўлими бошлиғи ўринбосари Рўстам Лутфуллоевга умр йўлдоши Тамара ТЎЖИБОВЭАНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзин изҳор қилади.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Кўнгил хиёбони



Бир киши дунёга келиш ва яшашнинг асл мохиятини излаб олам кезибди. Бугун курран арзни айланми чикибди-ю, лекин муроди ҳосил бўлмади уйга қайтиб келибди.

Ордиё ҳақиқати

Карасаки, ўша ахтаргани бундан ўн йил муқаддам ташлаб кетган хонадонда қолган экан. У ҳам бўлса, ота-она, жигарлари, оила, қон-қариноқ, ёру биродарлар, бир сўз билан айтганда, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат экан. Зотан, одамзот ҳам МЕХРнинг ҳосиласидир...

Эт ағуз совба

Орифжон Зафарбек дўстининг туғилган кунига антика совба олиб келди. Чиройли рангли қозоқда, дид билан ўралган совгани очганда Зафарбек хайратдан лол қолди.

Унда янги пиширилган, шундоқ ёқимли ҳиди анкиб турган икки дона ўн нони билан бир идишда шифобахш, зилол булоқ суви бўлиб, тағидаги оқ қозоқда эса куйидаги табрик сўзлари битилган экан: «Дўстин, бир умр нондек азиз ва аъзоли ҳамда сувдек сероб бўлинг! Туғилган кунингиз билан, соф ниётлар ила Орифжон».

Бағрикенглик

Хоналари кичик, умумий майдони бор-йўғи 34 квадрат метрни ташкил қиладиган уч хонали уйда яшаймиз. Баъзан қариноқлар меҳмонга келиб қолмиша, ўн нафар киши ҳам шу уйга сиғишамиз.

Яқинда бир ҳамқишлоғимиз кеч соат ўн бирлар атрофида уйимизга кириб келди. Илик кутиб олдик. Алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтирдик. Аслида, у кишининг жияни ёнимиздаги беш хонали уйда яшайди. Ўша уйлар янгитдан қурилган бўлиб, хоналари кенг, шинам, бизникига нисбатан қарийб тўрт баробар катта. Шуларни уйларикидан, беихтиёр, «Кизиқ, ушбу ташрифнинг боиси не экан?» деган саволни хайлдан ўтказдим.

Сўхбат тугаб, меҳмонга жой соларканман, ҳамқишлоғим миямдан ўтган фикрни англагандек, ҳозиржавоблик билан деди: Биродар, жиянникида нафас олишимга тоза ҳаво «етишмайди». Бу ерда бемалол дам оламан.

Обиддин МАҲМУДОВ.

Фарзанд дунёга келди. Доғлар, ҳамшираларга Худо берди. Ахир тезроқ суюнчи ундириш керак-да! Кимдан? Тугуруқхона биқинида кечадан бери қокқан қозикдек қаққайган отадан. Зеро, ота бундай пайт афсонавий Ҳотам Тойдан ҳам саховатли бўлиб кетади. Насиб этса, у шу бугуноқ хурсандчилигини ишхонада «ювади», эртага эса қариндош-уруғлари, кўни-қўшилларини зиёфатга чорлайди. Зиёфатда, одатдагидек, туғилмиш фарзандга узок умр, бахт-саодат, чин инсон бўлиб улгайиш тиланади, қадаҳлар жаранглаб кетади. Ота билдирилаётган тилалардан масрур. Бироқ у бир зум ташвишли уйга чўмади. Ахир, бола ЧИН ИНСОН бўлиб улгайиши учун фақатгина қадаҳлар жаранги кифоя эмас-ку?!

Оталик бурчи муқаддас

У неча кундан бери чўнтак қовлаб, бор-йўғини «суюнчи»га совираётгандек, неча неча йиллар давомида қалб тубини титқилаб, анг азиз хистуйиғуларини боласига бахшида этиши зарур. Ва, албатта, бунинг улдасидан чиқиши лозим.

Бугун юртимиз истиқлол қўшидан, тараққиёт шўъласидан нурафшон. Шукр. Топталган қадриятлар тикланиб, қадимий ўрф-одатларимиз элимизга қайтди. Бинобарин, Асосий Қомусимизда оила шарафи бор мазмун-моҳияти билан ақс этди. Хусусан, унда ота-она ва фарзандларнинг ўзаро масъулияти ва жавобгарлиги борасида ҳам алоҳида боб ажратилган.

Бирок, таассуфки бугун улгайиб, оила тебратаетган айрим ёш юрдошларимиз «Эркин оила»миз деган гарбона таъсирларга тушиб, бироз довдираб туришибди. Хўш, нима қилиш керак. Авваламбор, шундай оилаларда ота иродасини, тарбиясини тиклаш зарур. Негаки, гўдаклар тетапоё бўлгунча, оналарни эмиб, оналари қўчоғида яйраб уларнинг юмшоқ, нозик тарбияларини олиб улгайишади. Натижанда, бироз бўшлиқ руҳиятларига сингади.

Чунончи, баъзи ёш оталар тарбия тизгинини бутунлай аёлларга топшириб, уларни эса чой-хоналарга, улфатчиликларга югуришлари ҳам бор гап. Гоҳи рафикалари «Сиз ҳам отасиз,

ган, лекин чехраларида иккиланиш ҳисси зўхур этиб турибди.

— Нега сизлар болаларга қўшилиб уйнамайсизлар? — сўрадик қўзалоқдан.

Қизча, аввал ўз уйлари томон бир чўчиб қараб олди, сўнг, ерга гапни тикилиб пи-ирилади: — Бизга уйнаш эмас, одоб-

дегани учун болаларимга шундай деган эдим», — деб қўйди.

Бола содда эмас. У пок, шу боис биринчи навбатда дадасига ишонади. Дадаси эса, вақти йўқлигидан шобиҳ насиҳат қилгани қандай ақс таъсир кўрсатганидан, шу боис болаларининг мурғак қалби лар-

ли бўлса-да, негадир велосипед олиб беришдан бош тортиди. Орадан кунлар ўтиб бунинг сирри аён бўлди.

— Болаларимдан қизгондиган нарсам йўқ, — деди ҳасос адиб, — лекин мен болаларимга қимматбахш нарс олиб берсам, қўли қалта қўшилларинг аҳоли нима кечади? Ахир, бизнинг болаларда қўриб, уларнинг болалари ҳам хараша қилишади-ку? Йўқ, кўни-қўшига жабр қилиб қўйишдан қўрқаман...

Ха, нақадар гўзал қўрқув. Бу қўрқувда чинакам отага, чинакам эракка хос жасорат, танлик мужассам. Дарҳақиқат, отадаги бундай хислатлар болаларга сингмай қолмайди. Ахир, элимиздаги «қуш уясида қўрганни қилади», деган нақл бежиз эмас-да.

Ота... Оила устун, фарзандлар қувончи. Болаларнинг соғлом пайдо бўлган пайтлар экан. Ёш қизқўвчан Ҳабибулло онаси орқали отасидан велосипед олиб беришни илтимос қилади. Бирок ёзуви бу илтимосни рад этади. Оилада ҳамма ҳайрон. Ахир, янгиликка интилувчан, фарзандлар камалини ўйловчи ота пули етар-

Луқмон БҮРМОВ.

Инсон манзаралари



Тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурган юртдан барака аримайди. Чунки тинчлик - руҳ булоғи, хотиржамлик - жон қўшиқдир.

Ҳикмат

Тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурган юртдан барака аримайди. Чунки тинчлик - руҳ булоғи, хотиржамлик - жон қўшиқдир.



Хиром айла эй, гул,
Даврон гўзал,
Замон гўзал,
Диллар булбул.

Абдувоҳид ТҮРАЕВ сурат-лавоҳаси.

Афоризмлар

Виктор Мари ГЮГО (1802-1885). Атоқли француз романтик-ёзувачиси.

Инсоннинг улуглиги буйи баста билан ўлчанмаганидек, халқнинг буюклиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди.

Сукут — инсон қайғусини татиб кўрган оддий қалбнинг бошланғичидир.

Тинчлик — Тамаддун эзгулигидир, уруш — унинг жинояти.

Шоҳ сатрлар

Замонасининг буюк, аллома шоири Абу Абдулло Ҳаъфар ибн Муҳаммад Рудакий жуда кўп шеърый асарлар битган. Бундан қарангки, бизгача унинг улкан адабий меросидан минг байтгина етиб келган, холос. Ана шу минг байт ҳам унинг бетакрор шеърый маҳоратидан дарак бериб турибди. Ҳар бир байтда юксак одамийлик, сўз санъати, халқона соддалик, олмос тафаккур, туйғулар тозаллиги бутун таровати билан яшнаб ақс этади.

Латофатда юзинг дарё...

Латофатда юзинг дарё, лабинг маржон,
Зулфинг анбар, оғзинг садаф, тиш дурсимон,
Қошинг қийиқ, пешонангнинг ажини — маъж,
Бақбақангдир бало қаъри, кўзинг тўфон.

Кўнгироқ соҳидан безанмиш бўстон,
Чирмашибдир қизил гулга аргувон.
Ҳар бир халқасига минглаб жон асир,
Ҳар бир тугунида банди минглаб жон.

Юзинг зулмини кўриб қизил гул,
Бой берибди рангу ҳидини буткул.
Сув гулранг бўлади юз ювганингда,
Анбар таралади тарасанг қокил.

Ёр истаб жажонин айладик дилтанг,
Толган ёр дилида адовату жанг.
Афсусдан қўлимиз урилди бошга,
Обқни минг пор аилади харсанг.

Машҳурлар дейдики...

Мен учун куч қайси томонда эканлиги эмас, балки ҳақиқат қайси томонда эканлиги муҳим.

Ялқовлик — мабодо она бўлса, у ҳолда ўгли — ўғрилиқ, қизи — очликдир.

Ватанига қарши қурашиб қаҳрамон бўлиш мумкин эмас.

Қирқ ёш — ўсмирликнинг кексалиги, эллик эса кексаликнинг ёшлигидир.

Ялпизнинг минг бир хислати

Ваҳор фаслида киши танасида толиқиш юз беради, дармондориларга оқтиниб совилади. Ана шундай танага роҳат, руҳга қувват берувчи табиий дармондорилардан бири ялпиздир. У нам ерларда, эрик бўйларида, тоғ отақларида ўсади.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино ялпизни инедек орикларини, таом ҳазм қилишни яхшиловчи, қон тўхтатувчи, қайли кишини қолдирувчи оғил сифатида тавсия этади. Бундан ташқари, сурункали гепатит, ўтйўли хасталиги (ўткир ва сурункали холецистит)да, қайнатма сувидан қичима хасталикларда фойдаланилади. Ялпиз, айниқса анжир меваси билан истеъмол қилинса нафас олиш йўллари ва кўкракдаги ёпишқоқ, қуёқ хилларни чиқариш учун яхши восита ҳисобланади. У аъзо-танани сафродан тозалайди. Кўнглик пешони босади. Қайнатмаси пешоб ҳайдади. Ичак, меъда оғриғида, йўлғанда фойдали. Чанқок босади, балғам кўчиради. Барглари тутатилса ёки ерга ёйиб қўйилса, зараркундалар, хашаротлар уйга йўламайди.

Билиб қўйган яхши

Ялпиз барги дамламаси асабни тинчлантиради, юрак фаолиятини яхшилайди. Баргидан дамлама тайёрлаш учун 200 мл. қайноқ сувга бир ош қошиқ майдаланган барглар солиниб, ярим соат дамлаб қўйилади ва докда сузилади. Тайёр бўлган дамладан кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Табиат мўъжизаси — ялпиз-Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ.

Ақчрашув

Инжиклар шаҳридаги дурадгор бағрикенглар шаҳридаги дурадгор билан тўқнаш келган заҳот, оғзидан суви кўпириб тутоқа бошлабди. — Сен нега бунча табассум қилиб юрасан? Корнинг тўйган, чоғи. Пул ҳам қоплаб тушган, шекилли. Мен эса бир танга учун эрта тонгда бозорга чиқиб нола чекаман. Ҳеч ким хизматига чакирмайди. Ё бир танга топаман, ё ит азобида тақдиримни қаргаб, уйимга қайтаман. Азбаройи асабим қақшаганидан қўлим қалтирайдиган, ўзим жизиллаб турмасам, ҳовурим босилмайдиган бўлиб қолганман. Сен эса бунча бахтиёрсан.

Билмасам, — деб елка қисибди бағрикенглар шаҳри фуқароси бўлган дурадгор. Ҳайё хуй деб кўчага чиқаман, мендан икки дарвоза нари турувчи. Моҳи хола тўқсонни қоралаган. Ҳорманг дейман, ховлисини у ёқ-бу ёғини тоғлаб қўяман. Бир икки хизмат айтади, бажараман. Отамни эслаб кампир гурунг беради. Сўхбат якунида онахон дастурхонга иккита иссиқ нону қаймоқ қўяди. Ейман. Қулиб-қулиб ейман. Шукур қулиб, яна кўчага отланаман.

Инжик дурадгор бу гапдан қорайиб кетибди, қўлларига титроқ югурибди, томилари ҳасаддан бўртиб чиқибди. — Бир оз юрганмики билман, кексайиб қолган Эргаш чавандоз мени кутиб турган бўлади. Шўрлик, саксонидан отдан йиқилиб кўзи кўрмай қолган. Ҳозир саксон саккизда. Эваралари ўқишда, неваралари ишда, ўғиллар ҳаёт ташвишлари билан банд. Чол тушмагур, ўғилларидан яширинча, амал-тақал қилиб саман отини оғидан олиб йўлимни пойлайди. Хар сафар олдига бориб уни отига миндириб қўяман, отнинг жоловидан ушлаб шар ҳар кечасидаги дарёга олиб бораман. Чол эринмай отини чўмилитиради. Сағринига бошини қўйиб, юзига юзини ишқаб, йиғлайди.

«Шу, менга қараб туришингни кўриб ўлсам эди», дея оти билан гаплашади. Тушга яқин қайтиб келамиз. Келинлар ош сузишади, Чол икковлон ошқўрлик қиламиз. У менга тўхтовсиз отини мактайди, мен унга қараб жилмаяман. Афсус, жилмайганимни кўрмайди. Инжик дурадгор шу ерга келганда «до» дейди, кўзи олади, ичини ит тиндалагандай бўлади.

— Андин сўнг, яна йўл босаман, — ҳикоясини давом эттиради иккинчи дурадгор. — Шарҳ марказига яқинлашганимда каттаинг аравакиси аравақисига ўтқизиш шарҳ айлантиради.

«Шу, менга қараб туришингни кўриб ўлсам эди», дея оти билан гаплашади. Тушга яқин қайтиб келамиз. Келинлар ош сузишади, Чол икковлон ошқўрлик қиламиз. У менга тўхтовсиз отини мактайди, мен унга қараб жилмаяман. Афсус, жилмайганимни кўрмайди. Инжик дурадгор шу ерга келганда «до» дейди, кўзи олади, ичини ит тиндалагандай бўлади.

— Андин сўнг, яна йўл босаман, — ҳикоясини давом эттиради иккинчи дурадгор. — Шарҳ марказига яқинлашганимда каттаинг аравакиси аравақисига ўтқизиш шарҳ айлантиради.

А. КУТБИДИНОВ тайёрлади.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрога Г — 356. 37080 нухсда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Т-Тижорат материали «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 22.20 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6 7

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — М. Жоңқононов. Навбатчи — З. Жоңқононов. Мусаҳҳах — Ш. Машраббеов.